



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz 2024 йил 19 январь, № 14 (8637)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА САНОАТ СОҲАЛАРИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев расида 18 январь куни 2024 йилда инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунга фақат ички бозор билан эришиш бўлмайди, асосийси — хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш зарур.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш аввалида ушбу соҳалардаги ишлар ҳолати, мутасаддиларнинг фаолияти кўриб чиқилди.

Сўнги орти йилда юртимизга хориждан қарийб 50 миллиард доллар инвестиция кирган. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳам, саноат ҳам 6 фоизга ўсган.

Бироқ товарлар экспортини ўсиш бўлмаган. Мамлакатимиз сертификатларини тан олиш бўйича хорижий шериклар билан ишлар лозим даражада ташкил этилмаган. Халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги 480 миллион долларлик 5 та лойиҳа бўйича ўзлаштириш бошланмаган. Худудларда молиялаштирилиши тўлиқ яқунланган 8 триллион сўмлик қарийб мингта халигача ишга тушмаган.

Фаолиятда сусткашликка йўл қўйгани учун Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўринбосари Б. Абидов, Техник тартибга солиш агентлиги директори Д. Саттаров, Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги директори М. Мирзаев лавозимидан овоз қилинди. Яна бир қатор раҳбарларга интимиозий қоралар қўрилиши айтилди.

Умуман, инвестиция комплексига кирувчи барча вазир ва ҳоким ўринбосарлари фаолиятига самардорлик кўрсаткичлари (KPI) жорий этилиши белгиланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги камчиликларни аниқ таҳлиллар асосида кўрсатиб ўтди.

Масалан, ўтган йили 2 та драйвер тармок ва 4 та худудда 2022 йилдаги нисбатан экспорт ҳажмига қараганда. Экспортнинг 50 фоизи ханузгача 4 та бозорга тўғри келмоқда. Ёки хорижий товарларнинг учдан бир қисми хомашё сифатида сотилмоқда.

Ўзбекистон “GSP+” тизимига қўшилиб, Европада 6 минг 200 турдаги товарларни божсиз олиб кириш имкониятига эга бўлса-да, ўтган йили бу тизим доирасида бор-йўғи 384 турдаги товарлар экспорт қилинган. Мева-сабзавот экспортини ўсириш бўйича давлатларнинг фитосанитар руҳсатлари олинганига қарамастан, ундан тўлиқ фойдаланилмаган.

Аслида мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш учун экспортни йилгига камида 30 фоизга ошириб бориш зарур.

Президентимиз бу борадаги муҳим вазифаларга тўхталиб, тузилмавий ислохотларни маълум қилди.

Хусусан, Ўсимликлар карантини ва химияси агентлигининг тизими, иш услуби ва ёндашувлари тўлиқ ўзгарди. У янги салохиятлик бозорлар топиш, экспорт боп маҳсулотлар еклишини ташкиллаштиришга ҳам маъсۇл бўлади.

Сўнги йилларда мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини ташкиллаштириш бўйича сертификат ва руҳсатномалар тўлиқ рақамлаштирилди. Лекин халигача чегарада бу жараён тўрт идора томонидан назорат қилинмапти. Шу боис чегарадаги барча назорат функциялари Божхона қўмитасига ўтказилиши белгиланди.

Кўпала корхоналаримиз халқаро сертификатни йўқлиги учун глобал логистика занжирларига қўшилишга қўйиб қўйилган ин-вестициялар ҳамма тармақда бўлиб қолган. Ўтган йилида хорижда 14 миллиард долларлик асбоб-ускуналар олиб келинган.

Шунинг учун Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолияти тўлиқ ислоҳ қилиниб, Ҳукумат таркибига ўтказилди. Мутасаддиларга корхоналарда халқаро сертификат тизимларини жорий этиш, сифати кафолатланган маҳсулотлар турини кўпайтириш, салохиятлик давлатлар билан миллий сертификатни икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш вазифаси қўйилди.

Экспортни кредитлашга 200 миллион доллар ресурслар бундан ташқари, бу йил экспортёрларни қўллаб-қувватлашга 800 миллион сўм йўналтирилмоқда. Лекин берилган маблағлар, ҳар доим ҳам, қўшилган қийматли маҳсулот ва экспорт манбаига айланмапти.

Шу боис энди экспортни қўллаб-қувватлаш тизими ҳам ўзгарди. Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Жаҳон савдо ташкилотини талаблари асосида Савдонинг ривожлантириш компанияси сифатида қайта ташкил этилди. Бу компания берадиган субсидия, кредит ва ёрдамлар янги рейтинг асосида, энг аввало, юқори қўшилган қийматли маҳсулот билан янги бозорларга қамаб экспортчиларга ажратилди.

Маҳаллий маҳсулотларни ташкилотларга етказишда ишончли логистика занжирларини ташкиллаштириш, минтақавий ва йирик халқаро лойиҳаларни жадаллаштириш, товарларни божхона режимида қайта ишлашни кенгайтириш бўйича топириқлар берилди.

Йиғилишда инвестициялар самардорлиги ва гадаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

Сўнги орти йилда мамлакатимиз саноатида жалб қилинган инвестициялар ҳамма тармақда бўлиб қолган. Ўтган йилида хорижда 14 миллиард долларлик асбоб-ускуналар олиб келинган.

Лекин саноат кўрсаткичлари, яратилган иш ўрни ва қўшилган қиймат шунга яраша олмаган. Қатор худуд ва тармоқларда ишга туширилган корхона ва ускуналар экспорт натижасига таъсир кўрсатмаган. Лойиҳалар самардорлиги устидан етарли назорат олиб берилмаётгани танқид қилинди ва мутасаддиларга тегишли топириқлар берилди.

Ўтган йили балиқчилик, паррандачилик, заргарлик, асаларичилик ва ипакчилик тармоқларида, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, шунингдек, 12 та туман ва шаҳарда инвестициялар ҳамма тармақда хорижий таширлар ва халқаро кўрсаткичларга чегара қилиниши белгиланди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига бу лойиҳаларни алоҳида назоратга олиб, жадаллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишдаги яна бир мавзу саноат ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида бўлди.

Бунинг учун юртимизда 24 та махсус иқтисодий зона ташкиллаштирилди. Уларга содалашган қартибда ер ажратилиши, солиқдан имтиёزلар белгиланган. Лекин бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмапти. Масалан, республика бўйича бундай худудларнинг таъйёр инфратузилмага эга 800 гектар майдони бўш турибди.

Шу боис иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича янги таъриб амалга оширилиши белгиланди. Хусусан, Бўҳоро, Навоий ва Тошкент вилоятларидаги махсус саноат зоналарининг 240 гектар майдони хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга берилди.

Жорий йилда махсус иқтисодий худудларда 309 та йирик лойиҳани амалга ошириб, 40 мингта иш

жой яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Вазирлар Маҳкамасига худудларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини қабул қилиш вазифаси қўйилди. Жумладан, талаб юқори бўлган 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича топириқлар берилди.

Бундай имкониятлар чарм саноатида ҳам бор. Масалан, аҳолиимизда автомобиль ўриниди жилдлари, спорт буюмлари, пойабзал ва аёллар сумкасига талаб кўп. Шундан келиб чиқиб, тармок раҳбарларга худудларда лойиҳаларни шакллантириш топирилди.

Маҳаллийлаштириш фақат товарлар эмас, хизматларда ҳам бўлиши керак. Хусусан, охириги беш йилда энергетика, нефть-газ ва металлургия соҳаларида катта заводлар ишга тушди. Бундай мажмуалардаги юқори технология ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш бўйича малакали хизматларга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасига йирик корхоналарга сервис хизмати кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича вазифа қўйилди.

— Хар бир раҳбар фидойий бўлиб, Ватани ва халқини севиб, тизими билан бирга ўз вазифаларини виждонан бажарса, биз қўяётган марраларга албатта эриша бўлади, — деди Президент.

Йиғилиш якунида инвестиция комплекс раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар жорий йилдаги режалари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

АЛОҚАЛАРИМИЗ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН

Хитойнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонга ва икки томон муносабатларига эътибор қаратмоқда.

Хусусан, Хитойнинг “Жэньминь жибао” марказий газетасида ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчиси Юй Цзюньнинг икки томонлама ҳамкорликка бағишланган мақола-си чоп этилди.

Унда 2023 йил Хитой — Ўзбекистон муносабатлари ривожига муҳим давр бўлгани қайд этилган.

Дунё нигоҳи

“Президент Шавкат Мирзиёев стратегик раҳнамолигида Янги Ўзбекистон қурилиши, миллий ислохотларни чуқурлаштириш борасида улкан муваффақиятларга эришилди: иқтисодиёт рақнақ топмоқда, жамият ривожланмоқда, аҳоли турмуши яхшиланмоқда, мамлакатнинг халқаро нуфузи кундан-кун ортиб бормоқда”, дейилди мақолада.

Маълум қилинишича, Президент Шавкат Мирзиёев йил давомида “Хитой — Марказий Осиё” биринчи саммити ва учинчи “Бир макон, бир йўл” халқаро ҳамкорлик форумида иштирок этиш учун икки марта Хитойга ташриф буюрди ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашиб, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги хар томонлама стратегик шерикликни янги даврда ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Дипломат Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик барча соҳада ривожланиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаган. 2023 йилнинг 10 ойи давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми янги рекорд даражага етди ва 12,2 миллиард долларни ташкиллаштирди. Сармоявий ҳамкорлик сезиларли даражада мустақамланди, гуманитар ҳамкорлик соҳасига қизиқиш ортиб бормоқда, икки давлат ўртасидаги дўстлик муносабатлари халқларимиз қалбидан чуқур жой олган.

“Янги кириб келган йил Хитой — Ўзбекистон муносабатлари улкан ривожланиш салоҳияти ва ҳамкорликнинг кенг истиқболларини очиб беради, — дейилди мақолада. — Мамлакатларимиз ўзоқ йиллик дўстлик тарихига, ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам асос

Хитойнинг энг йирик “Синьхуа” ахборот агентлиги ҳамда инглиз тилидаги машхур “Pseacher” журналида инсон капиталини ривожлантириш соҳасидаги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги бағишланган мақолалар чоп этилди.

Манбалар Ўзбекистон Президентини хузуридаги Давлат бошқарувини ривожлантириш агентлиги халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Тимур Абдуллаевнинг Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги кадрлар тайёрлаш ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорлик мавжуд салоҳиятни тўлиқ очига ёрдам берадиган энг муҳим йўналиш эканлиги ҳақидаги сўзларидан иқтибос келтирди.

Қайд этилишича, бой тарихий-цивилизация меросига эга Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга.

Сенат Кенгашида НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

2024 йил 18 январь куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Сенатнинг қирқ тўққизинчи ялпи мажлисини 2024 йил 19 январь куни чақириб тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

“Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ялпи мажлисда сенаторлар томонидан “Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддасига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қара-

тилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонунларни ҳам қўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида мажмуаларни топириш тўғрисидаги Шартномани (Техрон, 2023 йил 18 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Ханой, 2022 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунлар ҳам муҳокама қилинади.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг иририга ва мелиорация объектларини куриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахбороти ҳам эшитилади.

Ўз навбатида, кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига яйловлар деградациясининг озиқ-овқат хавфсизлигига, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсири юзасидан парламент сўровини юбориш масаласи ҳам ўрин олган.

«Халқ сўзи».

МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ШАКЛАНТИРИЛАДИ?

Едингизда бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида ушбу соҳа билан боғлиқ гоятда қимматли ва бугунги кунимиз учун улкан аҳамиятга эга бўлган гоя ва ташаббусларни илгари сурди. Мамлакат раҳбарининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тингларканмиз, ўзимиз учун зарур хулосалар чиқардик. Агар таъбир жоиз бўлса, олдимизда турган вазифаларни бир-бир хаёлдан ўтказдик.

Акс садо

Тўғриси айтганда, кейинги пайтада айнан маънавият борасида локайидик, бепарварлик иллатлари кўзга ташлана бошлаган эди. Ҳатто баъзида “Маънавият нима учун керак?” дейишгача борилди.

Каминга ушбу йиғилишдан таъсириланиб, маънавият ҳақидаги фикрларимни жамлаб турган



бир пайтада “Халқ сўзи” газетасида “Янги уйғониш даври пойдеворини яратишда мустақам таъанч” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Ушбу муносабатини ўқиш давомида кўпгина саволларга жавоб топдим. Маънавият қаерда оқсаётганигини аниқлаш.

Бу борада ечимини ку-таётган муаммолар кўз олдимда намён бўлди.

“Маънавият нима учун керак?” Мен айнан мана шу саволларга жавоб топдим. Маънавият қаерда оқсаётганигини аниқлаш.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АМАЛИЙ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор муҳим қонун лойиҳалари билан бирга, қуйи палатанинг аввалги мажлисларида айрим вазирлик ва идораларга юборилган парламент сўровлари юзасидан келган жавоблар ҳам қўриб чиқилди. Асосий эътибор амалга оширилган ишлар натижадорлигига қаратилди.

хизматлар экспорти ҳисобига эришилган.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардор маҳсулотлар юрти” дастури доирасида қамраб олинган корхоналар рўйхати белгиланган мезонларга мувофиқ, Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ягона порталида (www.exporthportal.uz) онлайн тарзда шакллантирилади ва хар олти ойда янгилаб берилди.

Шунга кўра 2023 йилда жами 173 та экспортчи корхона очик танловга мувофиқ онлайн тартибда автоматик тарзда рейтинг асосида сараланиб, январь — ноябрь ойларида 17 та корхонага айланма маблағларини тўлдириш учун 19,2 млн. долларлик кредитлар қўлай шартларда ажратиб берилган.



Дастур ижроси қай даражада таъминланмоқда?

Депутатлар экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардор маҳсулотлар юрти” дастурини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж. Ҳўжаевнинг

Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавобини муҳокама этди.

Маълум қилинганидек, соҳада олиб борилган ишлар натижасида 2023 йил якуни билан республика экспортини (махсус экспортсиз) 16,2 млрд. долларни, ўсиш 104 фоизни ташкилла этган. Бунга электротехника, автомобиль саноати, нефть ва газ, фармацевтика, транспорт, туризм ва ахборот технологиялари товар ва

Нўқтаи назар

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши мамлакатимиздаги хар бир фуқаро, айниқса, навқирон авлодга чексиз қувонч бахш этди, эртанги кунга ишонччи янада мустақамлади. Зеро, бу юртимизда ёшларга, уларнинг порлоқ келажагига эътибор ва гамҳўрликнинг яна бир яққол ифодасидир.

Изланиш, интилиш ва машаққатли меҳнат меваси

Бугун мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. Бунинг ёрқин мисолини “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлиги, янги тахрирдаги Конституция-мизда алоҳида бўлим ва моддаларда навқирон авлод масаласига ургу берилгани-да кўриш мумкин.



МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Маънавиятсиз миллатни нималар кутади? Маънавият бизни қандай ҳавфлардан огоҳ этади?

Назаримизда, маънавият — аввало, миллатни, Ватанни таниши. Биз агар ўз она Ватанимизни, ўзимиз мансуб бўлган миллатни танимасак, кимларнинг аждоди эканлигимизни билмасак, тушунмасак, қандай миллат бўлдиқ? Қандай одам бўлдиқ?

Баъзан “ватанпарварлик қилма менга” деган сўзларни ҳам эшитишга тўри келади. Ватанпарвар бўлмаган одамнинг ўша Ватанда яшашга ҳаққи борми? Боболари кимлигини билмаган одамни манкурт деб аташади. Ватани, миллатни таниш жуда чуқур, ниҳоятда фалсафий, маънавий, маърифий, сиёсий тушунча. Айнан Ватанини танимаган одамлар уни сотади, хиёнат қилади. Ватанини танимаган одам учун муқаддас туйғунинг ўзи йўқ. Унинг учун ота-она, оила, фарзанднинг қадр-қиммати йўқ. Демак, маънавият, биринчи навбатда, бизга Ватанини англаш, уни севиши ва қадрлаш ҳамда ҳимоя қилишни ўргатади.

Аслида маънавият мавҳум тушунча эмас, у алоҳида фан. Ватанини тушуниш фанидир.

Миллатпарвар аждодларимиз учун Ватан муқаддас тушунча ҳисобланган. У она каби, номукаби қадрланган. Маънавият миллат тарбиясида, миллат тараққиётида, миллат юксалишида, миллатнинг мавжуд бўлиб туришида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Айнан маънавият фани миллат тушунчасини, инсонлар онгу



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

тафаккурига сингдиришга қаратилган бўлиши керак. Аслида дунё тамаддунини ўзбек миллатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайси томондан олиб қарасангиз ҳам, қайси фан нуктаи назаридан таҳлил қилсангиз ҳам, бизнинг аждодларимиз номи чиқиб келаверилади.

Дунё астрономиясининг тақдирини Мирзо Улугбексиз қандай кечарди? Араб тили грамматикаси дарслигини ёзган Замахшарий, алжаброни яратган ал-Хоразмий, нилометр муаллифи ал-Фарғоний, Ернинг шар шаклида эканини фанга киритган Беруний, ислом оламининг буюк муҳаддислари ал-Бухорий ва ат-Термизий, дунё тиббиётининг отаси Ибн Сино...

Улуг алломаларимизнинг фақат номиларини санаб учун ҳам кўп вақт керак бўлади. Айнан маънавият фани бизга мана шу маънавий ме-

росимизни қадрлашни, келгуси авлодларга етказишни ўргатади. Бизнинг дунё олдидаги ўрнимизни белгилаб беради.

Бугун гоятда тахликали ва таҳдидли дунёда яшапмиз. Глобаллашув маънавий қадриятларни ютиб юбормоқда. Миллатларни қадим илдириларидан узоқлаштиришдан қарашлар илгари сурилмоқда. Айниқса, ёшларни тобора ўз домига тортаётган глобаллашувга қарши ҳар бир миллатда маънавий иммунитет бўлиши керак.

Минг афсуски, ҳар қадамда маънавий қадриятларни бузишга ёки оёқости қилишга уринишлар кўзга ташланади. Бу хиёнатдан бошқа нарса эмас. Маънавият фанини ўқишдан, ўзлаштиришдан ёшлар ота-онани ҳурмат қилишни, оила муқаддаслигини, Ватанини сотиб бўлмамлигини англаб етати. Мана

шу — маънавий иммунитет. Тўғри, баъзида маънавий қадриятларга қарама-қарши ўлароқ замонавий илм-фан, технологиялар қўйилаётган ҳолатларга ҳам дуч келамиз, бу мутлақо нотўғри. Маънавият инсон, илм-фан йўлида тинмай ҳаракат қилади. Бугунги дунёни иқтисодиёт, ҳарбий кудрат эмас, балки илм-фан ютуқлари бошқараётгани ҳам шундан.

Маънавият нимага керак, деган саволни ўртага ташлайдиган одам, эртага Ватан нимага керак, миллат нимага керак деса, ажабланмаймиз. Чунки маънавият йўқолган жойда қуллик, сотқинлик ҳукм суради. Авлодлар ўз аждодларини билмайди, билишни истамайди. Миллий қадриятларни ўзлари истаганча “ислоҳ” қилади. Натижанда маънавий тубанлик юзага келади.

Президент маънавият масаласида бежиз ургу бергани йўқ. Агар биз маънавиятимиздан узоқлашсак, ҳалокатга учраймиз. Улуг боболаримиз руҳи безовта бўлади. Тарихи йўқ, тили йўқ, муқаддас туйғулари йўқ халққа айлиб қолаемиз.

Маънавият буюк тарихимиз ва бугуннинг ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиши керак. Маънавият — она тупроқ, маънавият — бизни ўлгайтирган бешик, маънавият — она тилимиз, маънавият — дунёда бору йўғимиз. Ундан айро тушишни мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди.

Буюк асар шоири Расул Ҳамзатов Францияга борганида, бир пайтлар Дюгистондан Парижга келиб қолган ватандошини учратади. У билан суҳбатлашади ва унинг саломини йўлларига кўз тикиб ўтирган онасига келтиради.

Шунда онаси сўради: — Сизлар аварча сўзлашдингларми?

— Йўқ, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у француз тилида.

Она юзига қора чодрасини туширди, бизда оналар ўз ўғлининг ўлганини эшитганда шундай қилишди...

Мана, маънавият нима учун керак! Маънавиятни йўқотиб қўйиш қандай ёмон оқибатларга олиб келишини юқоридаги мисол ҳам кўрсатиб турибди.

Маънавий тарбия, маънавий таълим миллат ёшларини ўлгайтиради, улар амал қилиши шарт бўлган тамойиллар бўлиши зарур. Бу борада биз, катта авлод вақиллари ўрнатқан кўрсаткичларимиз лозим. Айниқса, оилаларда миллий қадриятларни асраб қолиш учун курашиш зарур. Ўзга тилини ўрганиш, ўзга юртва боғириб ишлагани ҳеч қачон миллий қадриятларга, ўзлимизга қарама-қарши қўйиб бўлмайди.

Мен мақолани ўқиб, кўнглимдан ўтган фикрларни баён этишга ҳаракат қилдим. Маънавият тарғиботини биргина мақола, биргина тадбир билан амалга ошириб бўлмайди. У ҳаммаимизга ҳаётини эҳтиёжimizга айланган ҳаётини қилган натижаларга эришиш мумкин.

Рустам ХОЛМУРДОВ,
Самарқанд давлат университетини ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

АЛОҚАЛАРИМИЗ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН

“Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзбекистон ва Хитой умумий манфаатларга эга бўлган масалаларда ва миллий ривожланиш стратегиясини илгари суришда бир-бирини қўллаб-қувватлайди, — дейилади мақолада. — Дунёда инновацияларнинг жадал суръатлари, рақамлаштириш жараёнлари ва сунъий интеллектнинг жорий этилиши икки давлат олдига янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу шартлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Мутахассисларнинг фикрича, яқин беш йил ичида давлат хизматида ҳам, хусусий секторда ҳам малакали мутахассисларга талаб ортади”.

Ўзбекистон — Хитой дўстона муносабатларига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётган таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликда муҳим ютуқлар қайд этилди. Ҳозирги кунда икки мамлакат илмий-техника муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлига қўйилган бўлиб, идоралароқ дастурлар доирасида талабалар ва стажёрлар алмашиши фаоллашмоқда. Ўзбекистондаги олтин университетда хитой тили ўқитилди.

“Ўзбекистондаги олий ўқув юртида 600 дан ортиқ талабалар хитой тилини асосий тил сифатида ўрганмоқда. Бундан ташқари, у бутун мамлакат бўйлаб қўллаб таълим марказларида факультатив сифатида таълим берилмоқда, — деб хабар қилинмоқда ОАВДА. — Хитой тарихи, маданияти ва аъёнлари ўрганишни тарғиб қилиш мақсадига Ўзбекистондаги олий ўқув юртида хитой тили марказлари ташкил этилиб, улар ўқув-услубий қўлланмалар, ўлкашунослик бўйича дарслик ва материаллар билан таъминланди. Ташкент ва Самарқандда Конфуций институтлари фаолият кўрсатиб, уларда 1 минг 200 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари хитой тилини ўрганмоқда”.

Мақолаларда Ўзбекистон ҳар томонлама ижтимоий адолатга эришиш, камбағалликка қарши курашиш, ўрта синфини кенгайтириш, фаровонлик ва тенгликни таъминлаш борасида Хитой таълим ва таълимдан манфаатдор экани алоҳида таъкидланган.

Қадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик давом этмоқда, бу икки халқнинг яқинлашишига хизмат қилмоқда. Маълумотларга қўра сўнгги йилларда Хитой Ўзбекистон учун 6,5 мингдан ортиқ мутахассислар тайёрлаган ва бу мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантиришга фол хисса қўшмоқда. Ўзбекистон давлат хизматчиларининг Хитойда малака ошириш курсларини ташкил этиш борасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Охириги беш йилда 4,2 мингга яқин давлат хизматчилари ушбу дастурларда қатнашди. Малака ошириш дастурлари қашшоқликни қисқартириш, қишлоқ хўжалиги, давлат бошқаруви, тадбиркорлик, иқтисодиёт ва молия, энергетика, таълим, туризм ва бошқа соҳаларни қамраб олди.

“Жэньминь жибао” марказий газетасида, шунингдек, “Аждаҳолар — Самарқанд хитойчилари?” сарлавҳали мақола ҳам босилди.

Нашрда Шарқ тақвими янги 2024 йилни аждаҳо билан боғлаши, бу сирили жонзот образи қадимдан самарқандлик куллолар ижодида кенг қўлланилиши қайд этилган.

“Кулолчилик санъати эркакларнинг иши эканлиги ҳаммага маълум, — деб ёзади муаллиф. — Лекин самарқандлик уста хунаранд Дилором Мухторовнинг ижоди ушбу фикрни инкор этади. У лойдан ясалган Уйинчоларнинг танкили устаси бўлиб, уларни ясаб аъёнларни қадимги даврларга бориб тақалади. Унинг ранг-баранг маҳсулотлари орасида турли касб эгалари, ҳайвонлар, аждаҳолар тасвирлари ўрин олган”.

Дилором Мухторовнинг айтишича, бу арсонавий жониворлар образлари кўп асрлар давомида маҳаллий кулоллар ижодида кенг тарқалган. Эҳтимол, бундай аъёнанинг пайдо бўлишига Буюк Ипак йўли таъсир кўрсатгандир.

Мақолада таъкидланишича, асрлар ўтса-да, кулолчилик санъати ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Лойдан ясалган ўйинчолар, уста томонидан уларга бериладиган аjoyиб ва гўзал шакллар натижа-сида санъат асарига айланади. Табиий материалдан яратилган аждаҳо тасвирлари олийжаноблик, куч ва химоя тимсолдир.

«Дунё» АА. Пекин

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ИККИЛАМЧИ ИЖАРА САМАРА БЕРАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг кеча бўлиб ўтган йўлчилик қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкалари дала четларида қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкаларининг атрофларидаги ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ўн йилгача бўлган муддатга қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда иккиламчи ижарага бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, ердан фойдаланувчиларнинг дала четлари ва коллектор-дренаж ҳамда сугориш тармоқларининг атрофларидаги ер майдонлари, шунингдек, боғ ва тоқзор қатор ораларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга доир

мажбуриятлари белги-ланмоқда. Бундан ташқари, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекция-сига сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш ҳуқуқлари берилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аграр соҳада аҳоли бандлигини, озиқ-овқат хавфсиз-лигини, нарх барқарор-лигини таъминлашга ҳамда сув ресурслари-дан самарали фойдала-нишга асос яратлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

БАНДЛИК — МУАММОЛАР ЕЧИМИДА АСОСИЙ ОМИЛ

Маълумки, кейинги йилларда олиб борилаётган изчил ислохотлар боис Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий саҳнасида обрў-эътибори кундан-кунга ортиб, дунё иқтисодиётига дадил интеграциялашиб бораётгани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этиляпти. Негаки, олиб борилаётган ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг тўқис ҳаёт кечириши ҳамда янги шароитларда ишлаши учун қулайликлар яратиш мақсади муҳим.

Фикр

Айтиш жоизки, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йўлида ҳам изчиллик билан давом эттирилади. Яъни йил давомида бизнес вакиллари учун қўллаб қулайликлар бериш ва боғлиқ аҳолига муносиб турмуш шароитлари яратиш, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифати-да кун тартибидега туради. Президентимиз томонидан



Айтилганидек, юртимиздаги бир миллион 300 минг нафар ишсиз ҳамда йил давомида 2 миллион 400 минг аҳолининг меҳнат бозорига кириб келишини ҳисобга олиб, жорий йилда 5 миллион иш ўрни яратиш мақсад қилин-моқда. Бу, албатта, жуда катта марра. Бунинг учун барча соҳа, шу жумладан, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, инвестиция лойиҳалари, саноат ва қури-лиш тармоқларининг салоҳи-ятдан унумли фойдаланиш талаб этилади. Қолаверса, замонавий молиявий инстру-ментлар — микроолиялаш-нинг янги тизимини кенг жорий қилиш, ўзини ўзи банд этган юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳўш, ушбу залварли вази-фалар парламент вакиллари, шу жумладан, кўмитамиз аъзоларига қандай масъули-ят юклайди? Кўмитамизнинг 2023 йил якунари ва янги йил режа-ларига бағишлаб ташкил



этилан йўналишда мазкур масала атрофича кўриб чи-қилди. Яъни йиллик режани белгилашда унга алоҳида эътибор қаратилди. Йил да-вомида нафақат кўмитамиз, балки ҳар бир сенатор аҳоли бандлигини таъминлашга оид дастурлар ҳамда лойиҳалар ижросига жиддий киришади. Шу мақсадда парламент функцияларида самарали фойдаланишни ўзимизга ва-зифа қилиб белгилаб олдик. Умуман, юртимизда жорий йилда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш энг устувор ва-зифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Негаки, бандлик нафақат аҳоли фа-ровонлигини таъминлашда, шу билан бирга, яна қўллаб масалалар ечимидега ҳам му-ҳим омил ҳисобланади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси томонидан маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йўғилиши ўтказилди.

Иккинчи ўқишга тай-ёрланаётган мазкур қонун лойиҳаси билан заргарлик соҳасини маҳаллий саноатнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш, қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг хоша-ёга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у билан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республика-си ҳудудига олиб кириш-да қўшилган қиймат соли-лигини ўтлашдан вақтин-чалик (2027 йил 1 январ-га қадар) озод этилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси-нинг қабул қилиниши заргарлик соҳасини яна-да ривожлантириш-га, янги иш ўринлари яратишга ҳамда соҳада-ги “яширин иқтисодиёт”-га барҳам беришга ҳуқуқий йўл очади. Қонун лойиҳасини та-комиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

АМАЛИЙ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Айни чоғда 94 та корхонага 491,4 млрд. сўмлик қўшилган қиймат солиғи те-злаштирилган тартибда қа-йтарилган, 10 та корхонага 20 турдаги халқаро стандарт ва сертификатларни жорий этиш учун 1,6 млрд. сўмлик молиявий ёрдамлар кўрсатилган.

Эътиборлики, ҳозирги кунда мазкур дастурни кенгайтириш, унда қамраб олинмаган корхоналар со-нини 500 тага етказиш бўйича те-гишли чора-тадбирлар кўрилмоқ-да. Бундан ташқари, 112 та маҳал-лий экспортчи корхонага “Alibaba”, “Global Pulses”, “EuroPages”, “Tendata”, “Pulsescan” халқаро элек-трон савдо майдончасида рўйхат-дан ўтиш бўйича 4,2 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган. Ҳозир уларнинг ушбу савдо май-дончасига жойлаштирилган маҳсу-лот турлари сони 8,5 мингтадан ош-ди. Парламент сўровига келган жа-вобда қайд этилганидек, ўтган йил-да “GSP+” доирасида 1 351 та кор-хонага, шундан стандарт — 316 та, метрология — 363 та, сертификат-лаш — 318 та, сифат менежмент тизимлари — 363 та, қаддоқлаш ва ёрликлаш — 59 та ҳамда бошқа ма-салаларда 113 та консўльтатив хиз-мат кўрсатилган. “GSP+” бош пре-ференциялар тизими доирасида Европа Иттифоқига 6200 турдаги товарларни етказиб бериш бўйича имтиёзлардан фойдаланиш Ўзе-кис-тон учун 2027 йил якунига қа-дар узайтирилди.

Шу билан бирга, юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан 100 та маҳал-лий корхонанинг ташки бозорларга чиқиши учун “Тадбиркордан — экс-портёрғача” тамойили асосида чора-тадбирлар дастури доираси-да 1 426 та корхона рўйхати шакл-лантирилган. 2023 йил давомида мазкур корхоналарни табиий газ ва элек-тр энергия билан таъминлаш, халқаро-тадбирлар дастури доираси-да жорий этиш, экспортдоли молия-лаштириш учун 4,8 млн. долларлик кредит маблағлари ажратилишига ва маҳсулотлар рақобатбардошли-гини кучайтириш мақсадида 9,2 млрд. сўмлик молиявий ёрдам-лар кўрсатилган. 183 та корхонага хорижий ҳамкорлар топилишига амалий ёрдам берилган ва улар то-монидан жами 130 млн. долларлик экспорт амалга оширилган.

Мажлисда парламент сўровига келган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ёндашув

2023 йил 28 ноябрь куни бўлиб ўтган қўйи палата мажлисида Кам-бағалликни қисқартириш ва банд-

лик вазири Б. Мусаева “Ҳудудлар-да янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бо-расида амалга оширилаётган иш-лар тўғрисида”ги масала узоқидан парламент сўрови юборилган эди. Унда ишсиз фуқароларни қаб-зида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улар-нинг малакасини ошириш бораси-даги ишлар самарадорлиги ҳамда 2023 йилда аҳоли бандлигини таъ-минлаш дастурларининг бажарили-ши юзасидан асосланганлиги тун-душтирилди бериш сўралганди.

Мажлисда депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жа-вобни ҳам кўриб чиқди. Вазирнинг жавобига қўра мамла-катимизда янги иш ўринларини яратиш, хотин-қизлар ва меҳнат боз-зорида илк бор кириб келаётган таъ-лим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича му-айян ишлар қилинган. Утган йилнинг 11 ойида қишлоқ хўжалиги йўнали-шида 2 466,7 минг, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳаси-да 2 207,7, инвестициялар ва маҳал-лий саноатни ривожлантириш ҳис-обига 264, қурилиш ва коммунал со-ҳада 150 минг киши ишга жой-лаштирилган. Шунингдек, республика бўйича доимий иш ўринларида 2 361 минг, мавсумий ва вақтинчалик ишларда 2 580 минг, норасмий иш ўринла-рини легаллаштириш ҳисобига

824 минг нафар аҳоли банд қилин-ган. Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликни қўлма-лаш бўлими томонидан эса 625 минг 800 нафар ишсиз фуқаро-га бандлик хизматлари кўрсатилган.

Бугунги кунда вазирик тизими-даги мавжуд 6 та мақсадли жа-мғарма ишсиз, ижтимоий химояга муҳтож, айниқса, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар даф-тари”га киритилган аҳоли, хотин-қизлар, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаро-лар бандлигини таъминлашга яқин-дан кўмаклашиб келмоқда. Утган йилнинг январь — ноябрь ойларида 8,6 минг корхона ва ташкилот то-монидан тақдим этилган 39,4 минг буюртмага асосан 107 минг банд бўлмаган аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган. 2023 йилда меҳнат бозорига ки-риб келган 700 мингдан ортиқ бит-тирувчиларнинг 255,6 минг нафари бандлиги таъминланган. 467,5 минг нафарини доимий ишларга жойлаш-тириш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва касб-хунарга ўқитиш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Парламент сўровига келган жа-вобда қайд этилганидек, ўтган йил-нинг январь — ноябрь ойларида 132,8 минг ишсиз аҳоли меҳнат боз-зорида талаб юқори бўлган 75 тур-даги касб-хунарга тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш учун юборилган.

«Халқ сўзи».

Янги Ўзбекистоннинг Бебаҳо Бойлиги



Олиб борилаётган ислотлар натижасида ёшларга кенг имконият ва шароитлар яратилмоқда. Замонавий таълим даргоҳларида ўсиб-ўлगाётган ўғил-қизларнинг дунёқарши, мақсадмаслаги, орзу-ниятлари бугун бутунлай бошқача. Улар янги фикрлайди, эртасига юксак ишонч билан қарайди. Келажак режалари ҳақида сўрасангиз "Мен янги Ўзбекистонни барпо этишда камарбаста бўламан", "Юртимнинг ҳар жиҳатдан юксалишига, дунё билан бўйлашишига бор кучимни сафарбар этаман", дейди қатъият билан.

Айни пайтда барча соҳада, айниқса, олий таълим тизимида ўзгаришлар жадал кечмоқда — янги институт ва университетлар очилапти. Дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорлик қўламини кун сайин кенгаймоқда. Ўғил-қизларнинг жаҳоннинг турли минтақасидаги илгор университетларга ўқишга кирмоқда. Фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини дадил ҳимоя қилиб, юртимиз байроғини бандан ҳилпиратмоқда. Ўз иختиролари, илмий ютуқлари билан чет эллик тенгдошларида ҳавас уйғотмоқда.

Шубҳасиз, бу ютуқлар ўз-ўзидан келаятгани йўқ. Улар тинимсиз изланиш, интилиш ва машаққатли меҳнатлар меваси. Айни чоғда ёшларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга, муаммоларига ечим топишга қаратилган янги йўллар механизми тизимлари самараси. Бугун "ёшлар дафтари" таълим асосида амалга оширилаётган ишлар, "Ёшлар — келажакимиз" жамоғармаси фаолияти қандай натижалар бераётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Бугун дунёда ноёб институт — маҳалларда ҳоким ёрдамчилари, айниқса, ёшлар етакчисининг ўрни бекиб қўлини, улар томонидан маҳалла аҳолиси ва йигит-қизларнинг муаммолари эшитилмоқда, уларни ҳал

қилишга кўмаклашаётган. Ушбу янги тизим асосида 10 миллиондан зиёд йигит-қизларни қамраб олган "ёшлар баланси" шакллантирилиши ёки "ёшлар дафтари"га киритилган минималгаб йигит-қизларнинг муаммолари ҳал этилгани гоят қувонарлидир.

Биргина ўтган 2023 йилда давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож 396 минг нафар ёшга мутасадди раҳбарлар масъул этиб белгилаб, улар билан индивидуал ишлаш орқали 331 мингнинг ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашилди. Жумладан, 94 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 56 минг касб-ҳунарларга ўқитилди. Бу ҳар бир ёш давлат ҳимоясида, қўллаб-қувватловида эканига ёрқин мисолдир.

Ўтган йили "ёшлар дафтари" орқали кўрсатилган ёрдам турлари сони 30 тага етди ҳамда ёшлар етак-

қамрови ва сифатли таълим олиш даражаси бир неча қаррага ошди. Ўтган етти йилда уларни олий таълимга жалб этиш даражаси 9 фоиздан 42 фоизга кўтарилди.

Айни чоғда навқирон авлодни талабаликка қабул қилиш ва уларга сифатли таълим беришда ҳам мураккаб янги қўлайликлар яратилди. Жумладан, ёз жазирасида абитуриент ва унинг ортидан келган ота-оналар, яқинларига қўллаб-қўйинчиликлар, ноқулайликлар туғдирувчи, олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонларини бир қунда — 1 августда ўтказиш тартиби бекор қилинди. Бунинг ўрнига "Инсон қадрини ўқитиш" олимпиадаси 21 августдан 20 августга қадар куннинг икки қисмида махсус қўлайликларга эга, салқин, шинам бино ва ҳудудларда тест синовлари ўтказилмоқда. Ва кузатувчи ота-оналар

нишдаги имтиёз ва қўлай хизмат тизимлари амал қилмоқда.

Бугун йигит-қизларнинг сифатли таълим олиши ва ўз иқтидорини юзга чиқариши учун яратилган имкониятлар ўз мевасини беришти. Бу ҳақда фикр юритганда, университетимиз жамоаси, ёшлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқларга тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ.

2022/2023 ўқув йилида 13 нафар талабамиз Президент ва турли номдаги стипендиялар соҳиб бўлди. Бу кўрсаткич янги ўқув йилида янада ошди. 2023/2024 ўқув йилида шундай шарафга эга бўлган 29 нафар йигит-қизимиз билан фахрланамиз. Талаба қизларимиз мунтазам равишда Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритиб келмоқда. Ўтган йили спорт турлари бўйича талабаларимизнинг 10 нафари жaxon, 26 нафари Осиё, 102 нафари Ўзбекистон чемпиони бўлди. Олийгоҳнинг волейболчилар жамоаси олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган республика "Беш ташаббус олимпиадаси"да мулқат қўлаб кўтилди эришти.

Бундан ташқари, фаол талабаларимиз турли ташаббуслар, илмий изланишлари билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўлишига интиломоқдаки, бу уларнинг эл-юртимизини севувчи, меҳнат ва фидойиликни қадрловчи, ватанпарвар шахс бўлиб ўлганлигини кўрсатади.

Олийгоҳ ёшлари бадий ҳаваскорлик ва санъат соҳасида ҳам қўллаб-қўвиладиган фаолиятларга эришяпти. Бу йўналишда вилоят ва республика миқёсида ўтказилган "Мақор" фестивали, тасвирий санъат кўргазмалари ҳамда "Мэрифаат майдони", "Талабалар театр студияси", "Қувноқлар ва зуққоқ" каби бир қанча кўрик-танловлар, шунингдек, "Заковат", "Мунозара" интеллектуал ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Бу ўринда гап фақат танлов ва мусобақаларда эришилаётган ютуқлар ҳақида эмас. Айтмоқчи бўлганимиз, ёшларимизнинг ўз олдига қандай улкан максатларни қўйгани ва уларнинг рўёби томон интилувланишини, ғайрат-шижоатни, элқурт тақдирига дахлдорликни, ташаббускорликни дадил намойён этаётганидир. Зотан, ана шундай элқурт — янги Ўзбекистоннинг бетакор бойлиги, эртанги кунимиз таянчи ва суянчи.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори.

Ҳамкорлик

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида сайёрамизда юзга келаятган глобал экологик муаммолар сабабли сув ресурслари тақчиллиги хавфи тобора ортиб бормоқда. Бу нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё мамлакатларини ташвишга соладиган долзарб масалага айланган.

Бундан 30 — 35 йил олдин мамлакатимизда фойдаланиладиган йиллик сув миқдори 62 — 64 млрд. куб метр атрофида бўлган. Ҳозирги кунга келиб эса 51-52 млрд. куб метрга тушиб қолди. Агар вазият шу тарзда давом этверса, яқин йилгига йилда икки йиллик дарё — Амударё ва Сирдарё оқими ҳозиргидан 15 фоизга қисқариши, аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик эса 40 фоизга камайиб кетиши эҳтимоли мавжуд.

Бинобарин, бу долзарб масалага бефарқ қараб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Сув ҳужжатини вазирлиги ва Ўзбекистон Экологик партияси ўртасида ўзаро меморандум имзоланди.

Бу муҳим келишувда сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тайёрлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ҳамкорлик, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув ҳўжалигида оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш, фуқароларнинг сув ресурслари объектиларидан оқилана фойдаланиш, уларнинг муҳофазасига қаратилган тарғибот тадбирларини амалга ошириш каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик партияси ва Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида 2024 йилда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

— Ўзбекистон Экологик партияси ўзаро меморандум қабул қилиш ва биргаликда тарғибот тадбирларини олиб бориш ташаббуси билан чиққани бизни ниҳоятда хурсанд қилди, — деди Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирлиги Шавкат Ҳамраев. — Биз ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз, "Йўл харитаси"даги тадбирларни биргаликда ва ўз муддатида бажариб, амалий натижаларга эришамиз.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси, Орolni кутариши халқаро жамоғармаси кенгаши, "СОП-28" ва бошқа нуфузли халқаро анжуманларда жaxon жамоатчилиги эътиборини шу муаммага қаратиб, сув таъминлигини юмшатиш бўйича янги гояларни илгари сургани таҳсинга созвор.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик партиясидан 15 нафар депутат фаолият олиб боради, — дейди партия Марказий Кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси Абдушукор Ҳамзаев. — Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар сони эса 600 нафарга яқин. Партияимизнинг минглаб аъзолари бор. "Сув текис эмас" гоясини тарғиб этишда, аҳоли ўртасида обиҳаётдан тежамкорлик билан фойдаланиш маданиятини юксалтиришда партияимиз катта куч ҳисобланади. Келажак авлодини учун сув ва бошқа табиий ресурсларни асраш нафақат мутасадди ташкилотларнинг, балки барчамизнинг инсоний бурчимизга айланиши шарт.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).



чилари тавсияси билан 338 минг нафар йигит-қизга 444 млрд. сўмлик кўмак берилгани қанчадан-қанча навқирон авлод вакилларининг ҳаётида ўз ўрнини топишига имкон яратди. Бундан ташқари, айрим талабаларнинг шартнома маблағлари тўлаб берилмоқда. Хорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш харажатлари қопланапти. Ишсиз ёшларга меҳнат қуроллари ажратилаётир.

Бу чора-тадбирлар минглаб йигит-қизлар муаммоларининг бартафарқ этилишига ҳисса бўлиб қўшилиб, уларни ўз эзгу орзу-мақсадлари сари дадил интилишга руҳлантирмоқда.

Эртанги кунимиз таянчи ва суянчи

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва сазй-ҳаракатлари натижасида ёшларнинг олий таълим билан

учун ҳам соя-салқин жойларда ўриндиклар хозирланиб, уларга ўз фарзандининг тест синови ўтадиган жойда ҳолатини катта экранлар орқали онлайн тарзда кўриб туриш имконияти яратилди.

Асосийси, олийгоҳларнинг сурату сийрати янгилаяпти. Замонавий биналар, ўқув аудиториялари, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қўлай бина-иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилмоқда.

Бугун талабаларга шартнома тўловлари бўйича ҳам қатор қўлайликлар бор. Масалан, имтиёзли субсидиялар ажратилапти, магистратура босқичида тахсил олаётган талаба хотин-қизларнинг шартнома тўловлари давлат томонидан тўланмоқда. Умуман олганда, бугунги Ўзбекистон ёшларининг сифатли таълим олиши ва жаҳиятда ўз ўрнини топиши учун 30 дан ортиқ кўри-

НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТ ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Анджон вилояти божхона бошқармаси томонидан республикамизга ноқонуний товарларнинг кириб келиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга ўз вақтида барҳам бериб келинмоқда.

Назорат

Мисол учун, кунчи кеча "Дўстлик" чегара божхона пости орқали ҳаракатланган 3 та юк автомобили ҳужжатларда кўрсатилмаган молларни мамлакатимиз ҳудудига яширинча олиб киришга уринаётганида қилмишлари фош бўлди.

— Қирғиз Республикасидан юртимизда фаолият олиб борувчи масъулиятчи чекланган жаҳиятга олиб келинаётган 12 турдаги матоларнинг умумий қиймати 3 миллиард 168 миллион сўмни ташкил этади, — дейди вилоят божхона бошқармаси инспектори Сардорбек Ҳўринбоев. — Товар-моддий

бойликлар қимдан ва нима мақсадда келтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳозирда давом этаётган суриштирув ишлари мобаинида янада ойдинлашади.

"Ноқонуний иш — келтирар ташвиш" деган нақл бор халқимизда. Қонунбузарлик содир этишга уринган тадбиркорнинг хатти-ҳаракатлари ҳам ўз баҳосини олади, албатта.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Жўмракда сув бор, аммо...

Ганчи Чандир маҳалласида яшовчи Қурбонмурод Бозоров Олот туманида истикомат қилувчи энг кекса газетхонлардан ҳисобланади. 76 ёшли отахон мана, неча ўн йилдирки, муталаани қанда қилмайди. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас.

— Ҳўкутувчиман, — дейди у. — Бир умр ёшларга таълим-тарбия бериш билан шуғулландим. Шукр, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Шаҳар, қишлоқларимиз обод. Биргина ичимлик сувини олиб кўринг. Яқин-яқингача қишлоғимиздаги ариқдан сув ичардик. Шу сувдан истеъмол қилардигу болаларимиз, неваралар соғлигини ўйлаб, хавотирга тушардик. Тоza сув, "водопровод" деганлари биз учун ушланмас орзудек туюларди. Буни қарангки, у қунлар ортада қолди. Маҳалламизга қувурлар орқали тоza ичимлик суви келтирилди.

Мушоҳада

Маҳалла раиси Шавкат Ҳўсеновнинг таъкидлашича, отахон ҳақ. Туманда неча ўн йиллардан буюн долзарб бўлиб келган сув таъминоти масаласи ечимини топди. Бугунги кунда Ганчи Чандирда яшовчи 3,5 минг аҳоли тўлиқ марказлашган сув билан таъминланган.

Бу юмуш Олот ҳамда Қоракўл туманларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратилган Ҳўкумат қарори ижроси доирасида бажарилиди. Ҳар иккала туманда Жаҳон банки кредитлари ҳисобидан қиймати 139,02 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳа амалга оширилди. Унга қадар Олот туманида аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлиги даражаси атиги 47,4 фоиз эди. Эндиликда эса бу кўрсаткич 95 фоиздан ошди.

Мазкур лойиҳа доирасида 17 та минора барпо этилди, 1529,7 километр узунликда қувур тортилди. Эътиборлиси, сув миноралари электр энергияси таъминотида узилиш рўй берганида ҳам аҳолига суви узлуқсиз етказиш имконини беради.

— Лойиҳага кўра йирик сув тозалаш иншооти реконструкция қилинди, — дейди "Бухоро сув таъминоти" масъулиятчи чекланган жаҳияти бош муҳандиси Адиз Махидов. — 22 километр узунликда "Двойник — Олот" магистраль сув тармоғи, "Янгибозор" ҳамда "Жумабозор" сув тарқатиш иншоотлари қурилди, "Олот" ва "Дўстлик" насос станциялари реконструкция қилинди. Жами 3107 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғи ҳамда 37 та сув минораси барпо этилди. Лойиҳада белгиланганидек, 47784 та сув ўлчагич ўрнатилди. Натижанда Олот ва Қоракўл туманлари аҳолисининг марказлашган ичимлик суви таъминоти кўрсаткичи 94 фоиздан ошди.

Бу каби мисолларни исталган туман мисолида келтириш мумкин. Масалан, Когон туманидаги Сиёзпён қишлоғи аҳолиси ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини транспортда ташиб келтириладиган обиҳаёт эвазига қондиради. "Обод қишлоқ" дастури бу гўша қиёфасини тамоман ўзгартирди. Мўҳи-

ми, қишлоқ ўз тарихида илк бор марказлашган сув тармоғига уланди. Бу ердаги сув иншооти 5 млрд. сўм миқдоридида маблаг эвазига реконструкция қилинди.

— Аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар эътиборга молик, албатта, — дея мулоҳаза юритади Бухоро муҳандислик-технология институти ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Исмоил Фатоев. — Назаримда, ичимлик суви сифати ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Истеъмолчи тарақсидан айтиш керакки, бу масалада ҳали кўп иш қилиш лозим.

Юртдошимизнинг бу ҳақда тўхталиши бежиз эмас. Бугунги кунда Бухоро шаҳрида яшовчи аҳоли марказлашган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Аммо истеъмолчиларнинг кўпчилиги жўмракдан оқаётган сувдан кўра, тозаланган суви сотиб олишни афзал кўрмоқда.

Биргина шаҳарнинг 5-мавзесида тадбиркорлар томонидан фаолият йўлга қўйилган ўнла тоза сув сотиш шохобчалари бор. Оиласи уч-тўрт кишидан иборат хонадонлар тоза сув хариди учун

МУСАФФО ҲАВО ҚАДРИ

Инсон сувсизликка бир неча кун чидаши мумкин, овқатсиз ҳатто бир ой ҳаёт кечира олади. Аммо ҳавосиз атиги бир неча дақиқагина яшайди, холос. Шу боис ота-боболаримиз инсоният ҳаёти давомийлигини таъминловчи мазкур бебаҳо неъматни доим мусаффо ҳолда сақлашга интиланганлар.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да дунё 4 та унсур — сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан ташкил топгани таъкидланиб, моддиятнинг бу тўрт асосини тоза сақлашнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Ҳаёт манбаи бўлган ушбу неъматларга муносабат асрлар оша сайқалланиб, умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган.

Мулоҳаза

Узоққа бормайлик, бундан тўрт йил муқаддам бутун дунёни коронавирус пандемияси эгаллаган пайтда мусаффо ҳаводан ниҳоят тақмасдан тўйиб-тўйиб нафас олиш нақадар буюк бахт эканини янада теранроқ англаб етдик.

Бугунги кунда деярли ҳар бир йирик шаҳар атмосферасида муайян миқдорда ифлослантирувчи моддалар кузатилади, улар экотизим ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, атмосфера ҳавосининг сифат ҳамда миқдорий таркиби шаклланишида ҳам антропоген, ҳам табиий ифлосланиш манбалари катта роль ўйнайди. Ҳўжалик фаолияти натижасида энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, чиқиндиларни қайта ишлаш каби соҳаларда ҳавога ифлослантирувчи моддалар ёки кимёвий бирикмалар чиқарилади, улар турли кимёвий реакцияларга киришиб, атмосферада икклиматчи ифлосланишга олиб келади. Урбанизация (шаҳарлашиш) жараёнларининг тезлашиши ҳам ҳаво ифлосланишининг кучайишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Атмосфера табиий таркибининг инсон фаолияти натижасида рўй берган ифлосланиш кўламини фақат атмосфера ҳавосини мониторинг қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин. "Ўзгидромет" атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторингини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ амалга оширади.

— Кейинги пайтда ҳаво сифати индекси бўйича халқаро рейтингда (AQI) Тошкент шаҳрининг номи дунёнинг ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлари рўйхатида тез-тез тилга олинмоқда, — дейди Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси Мухаббат Сафоева. — Тахлилларга кўра, пойтахт ҳавоси ифлосланишига ашиқликнинг қамайгани, бетартиб қурилишлар, транспорт оқими юқорилиги, кўмир ва мазутдан чиқаятган заҳарли ташламалар сабаб бўлмоқда. Масалан, пойтахтда дарaxтлар кесилишига мораторий эълон қилинган даврда 49 мингга яқин дарaxтлар ноқонуний кесилган. Иқтисодиёт тўқмоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига бўлган талаби ортиши натижасида кўмир ва мазут ёқилгисидан фойдаланиш ҳажми ортиши атмосфера ҳавоси ифлосланишини оширмоқда. Яна бир қатор омиллар мавжуд.

Бугун нафақат Тошкентда, балки вилоятларда ҳам ҳаво тозаллигини сақлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳоразм вилоятида атмосфера ҳавосига транспорт воситалари ҳамда саноат ишлаб чиқариш қорхоналаридан йилгига ўртача 50 минг тонна зарарли ташламалар чиқарилади ва бунинг 90 фоизи транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йил ҳаво буғланишининг олдини

олиш бўйича 10 та йирик саноат қорхонасида 97 дона чанг-газларни ушлаб қолувчи фильтр ўрнатилди ва мавжудлари модернизация қилинди. Икки босқичли "Тоza ҳаво" тадбири домида 21120 та транспорт воситаси текширилиб, 476 та ҳолатда чинкиди газлар меъёридан зиёд ташланаётгани аниқланиб, йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тегишли чоралар қўлланилган.

— Сўнгги йилларда республиканинг деярли барча ҳудуди аҳолиси иқлим ўзгариши туфайли чанг буронларидан азият чекмоқда, — дейди Экология, атропо-муҳитчи мулоҳаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Ҳоразм вилояти бошқармаси атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш шўбаси мудири Санъат Давлетов. — Қўм ҳамда чанг буронлари таъсирини қамайтириш мақсадида шаҳар ва туман марказлари атрофида "яшил белбоғ"лар ҳамда вилоятнинг чўл ҳудудларида "яшил қоплама"лар барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йилда Ҳоразм вилояти ҳудудида жами 17 турдаги 16 млн. 34 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчати экилди. Минглаб майдонларда "яшил жамоат парклари", "яшил боллар" ташкил этилди.

Орол денгизи қуриши оқибатида пайдо бўлган улкан сахардога кўм кўчиши, тузули чанг-тўзонларнинг осмонга кўтарилишининг олдини олиш учун саксовулзор барпо қилиш энг маълум йўл саналади. Мутахассислар фикрича, битта саксовул бир йилда 4-4,5 тоннагача кўм бархаларини ушлаб қолар экан. Маҳаллий аҳоли бу дарахтнинг "сахро маликаси", "чўл арчаси" дея эъзозлайди. Ҳоразм шевасида "созок" деб аталувчи ушбу дарахтнинг чўлнинг ҳақиқий кўрқи, дейиш мумкин.

Саксовулнинг атропо-муҳит ҳавоси мусаффолигини таъминлаш ҳам хизмати жуда катта. Бир гектар майдондаги тўрт йиллик саксовулзор 1158 куб метр кислород ажратиш чикаришини эътиборга олсак, уни бемалол "тоza ҳаво фабрикаси" деб аташ мумкин.

Ўтган йили Ҳоразм ўрмон хўжалиги томонидан ўрмон фонида ерларида 9,8 минг гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди, 200 гектар майдонга саксовул кўчатлари ўтказилди. Ушбу чора-тадбирлар ҳудудда ҳаво тозаллигини сақлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасида "Атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий бойлик ҳисобланади" ва давлат томонидан муҳофаза қилинади" деб белгилаб қўйилган. Бу умуммиллий бойлиқни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга аёл ҳолида етказиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Одибек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).



олига ўртача 50 — 60 минг сўм, баъзан ундан ҳам кўп пул сарф-лашапти.

Шу ўринда марказлашган ҳолда етказиб берилаётган сув сифати шу қадар ёмонми, деган савол туғилади. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг санитария-гигиена лабораторияси ходимлари фикрича, бу борада хавотирга ўрин йўқ. Шаҳар ҳамда туманларда сув сифати мунтазам таҳлил қилиб борилади. Унинг қаттиқлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлари меъёр даражасида. Чунинчи, лаборатория ходимлари биз тақдим этган суви ҳам таҳлилдан ўтказиб, унинг қаттиқлик даражаси 5,8 миллиграмм эквивалентга тенг эканини айтишди. Бу меъёр даражасида. Ваҳоланки, айрим туманлар, масалан, Жондорда бу кўрсаткич 10 миллиграмм эквивалентдан ошган ҳоллар учраяпти.

— Тадбиркорлар томонидан сотилаётган тоза сув таркиби нисбатан юмшоқ, — дейди лаборатория мудири Дилором Ҳайитова. — Шу боис ҳам баъзи истеъмолчилар шундай суви хар

«САМАРҚАНД ҲИКОЯСИ»

МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонасида "Самарқанд ҳикояси" китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой академик доиралари вакиллари, сайёҳлик компаниялари раҳбарлари, шунингдек, мамлакатнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Биз ва жаҳон



Ипак йўлидаги муҳим марказлардан бири эканини қайд этди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев "Самарқанд ҳикояси" китобининг муқаддимасида ёзганидек, бу қадимий ва навқирон шаҳар, бетакрор шарқона эртақ, ранг-баранг, қадимий ва мухташам тарихий диққатга

эга бўлиш истагидаги хитойликлар мазкур қадимий кентга йўл олишларига ишонаман. "New Star Press Co, Ltd" нашриёт-матбаа ижодий уйи президенти Ма Жуцзюнь ўз нутқида қадимий Буюк Ипак йўли Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги азалий дўстликдан далолат беришини таъкидлади.

— "Дунё кўзгуси ва кўнгил боғи" номи билан машҳур бўлган Самарқанд Хитой ҳамда бутун дунёни боғловчи, тарих ва замонавийлик уйғунлашган йўлнинг дурдонаси бўлиб, ҳозирги кунда жаҳонга машҳур илмий-маданий марказга айланди, — дея қайд этди Ма Жуцзюнь. — "Самарқанд ҳикояси" китоби "Ипак йўлидаги юз шаҳар тарихи" кенг қамровли туркумининг муҳим нашридир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ушбу китобга сўзбоши ёзгани, китобнинг нашр этилиши Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, икки давлат ўртасидаги маданий алмашувларни ривожлантиришга ва халқларимиз ўртасидаги масофани янада қисқартиришга хизмат қилишини юксак баҳолагани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.



Ушбу китоб бир гуруҳ ўзбек олимлари томонидан тайёрланиб, Хитойнинг Чет тиллардаги адабиётлари нашр этиш ва тарқатиш бошқармаси кўмагида "New Star Press Co, Ltd" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан хитой тилида чоп қилинди.

Тақдирот иштирокчиларига китоб Буюк Ипак йўлининг дурдонаси сифатида жаҳонга машҳур қадимий Самарқанд шаҳри тарихига бағишлангани ҳақида маълумот берилди. У тарихий хронологик тартибда — шаҳарнинг пайдо бўлишидан то ҳозирги кунгача бўлган минг йиллик тарихни тасвирлайди. Китобда Самарқанд ва Хитой ҳамда Буюк Ипак йўли ўртасидаги тарихий боғлиқлик ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Самарқанд Буюк Ипак йўлининг жаҳонга машҳур дурдонаси сифатида Самарқанд ҳақидаги китоб тақдиротида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлади. Бу ерда мен ушбу гўзал шаҳар ҳақида жуда кўп қизқарли ва фойдали маълумотларни олдим.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё, жумладан, Покистоннинг ҳам фахри ҳисобланади. Тарихий даврлардан илм-фан, маданият ва таълим марказлари ҳақида гап кетганда, кўпчилик биринчи галда Самарқандни тилга олади. 2022 ва 2023 йилларда ушбу шаҳарда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммити, ЕТҒБ саммити ва бошқа муҳим тадбирлар ўтказилди. Самарқанд бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан келган олимлар ҳамда сийёсатчиларни бирлаштирган мулоқот ва халқаро кун тартибидagi масалаларни муҳокама этиш маркази бўлиб хизмат қилаётганини исботлади.

тида Осиё ва Европа ўртасида ўзаро савдо, технологиялар, гоғлар ва маданий қадриятлар алмашинувига катта ҳисса қўшган ушбу афсонавий йўлнинг шонли ўтмиши ёдгорлиги эканлиги таъкидланди.

Тақдиротда сўзга чиққанлар бугун Самарқанд йирик халқаро аҳамиятга молик тадбирлар ўтказиладиган жой сифатида эътироф этилаётганини алоҳида ургундилар. Хусусан, 2022 йил сентябрь ойида ушбу қадимий шаҳарда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши юқори савияда бўлиб ўтди.

Хитойнинг Чет тиллардаги адабиётлари нашр этиш ва тарқатиш бошқармаси вице-президенти Юй Тао ўз чиқишида Самарқанд Ўзбекистоннинг иккинчи йирик шаҳри ва қадимий Буюк

Соҳайл ХОН, ШХТ бош котиби ўринбосари:

— Ўзбекистон элчихонасида Самарқанд ҳақидаги китоб тақдиротида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлади. Бу ерда мен ушбу гўзал шаҳар ҳақида жуда кўп қизқарли ва фойдали маълумотларни олдим. Таъкидлаш жоизки, Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё, жумладан, Покистоннинг ҳам фахри ҳисобланади. Тарихий даврлардан илм-фан, маданият ва таълим марказлари ҳақида гап кетганда, кўпчи-



Ўзбекистоннинг ШХТ давлатлари орасида ўзига хос хусусиятларидан бири, бу Буюк Ипак йўлидаги барча марваридларни ўз бағрига олганидир.

Хан ХУА, Пекин халқаро мулоқотлар клуби бош котиби:

— Ўзбекистон мен учун қалбимга гоғ яқин мамлакат. Утган йили Тошкент ва Самарқандда бўлдим. Биласизми, турли цивилизациялар чорраҳаси, муҳим тарихий воқеалар гувоҳига айланган Самарқанд доимо мени хайратлантириб келади. Айни чоғда у нафақат тарихий, балки замонавий шаҳар ҳамдир. Кейинги йилларда бу ерда замонавий бино ва иншоотлар барпо этилди.

Ўзбекистон — Хитой иқтисодий муносабатларини ривожлантириш учун ҳам улкан имкониятлар мавжуд. Бугун биз мамлакатларимиз ва худудларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада қандай жадал ривожланаётганини ҳам кўриб турибмиз. Бу халқларимиз ва мамла-



катларимиз фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз. «Дунё» АА. Пекин

Учрашув

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Тошкент давлат техника университети ректори, академик Садриддин Туробжонов Навоий вилоятида бўлиб, талаба-ёшлар, Навоий давлат коччилик ва технологиялар университети олимлари билан учрашув ўтказди.



НДКТУ ректори Бахтиёр Мардонов мулоқот аввалида академикнинг серкира фаолиятига тўхта-ларкан, олим илмий изланишларининг илм-фан ривожидagi аҳамиятини алоҳида эътироф этди. — Менинг дастлабки илмий изланишларим Навоий шаҳри, хусусан, "Навоийазот" корхонаси билан боғлиқ. — дейди С. Туробжонов. — Навоийлик олимлар билан узоқ йиллардан буюн ҳамкорликда ишлаб келяпмиз. Кимё шундай соҳаки, ундаги изланиш ҳамда биргина янгилик, яна ўнлаб, ҳатто юзлаб кашфиётларга йўл очилиши мумкин. Бугун инсоният келажак, тараққиёт кимёгарларнинг илмий изланишлари шиддатига ҳам бевосита боғлиқ экан, бу борадаги инновацион ишланмаларга эҳтиёж ҳар қачонгиданда ошиб бораверди. Албатта, бунини "Навоийазот"дек корхоналарсиз тасаввур этиш мумкин.

Унда Тошкент давлат техника университетидида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, амалий натижалар, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ишланмалар хусусида ўзаро фикр алмашиб, тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Университет олимлари томонидан илмий изланишлар тақдими ўтказилди. Анжуманда "Навоий конметаллургия комбинати", "Навоийазот", "Навоий иссиқлик электр станцияси", "Навоий худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари каби йирик саноат корхоналарининг вакиллари олимларнинг тақлифлариغا қизиқиш билдириб, келгуси ҳамкорлик ишлари юзасидан келишиб олишди. Шундан сўнг академик олим Зарафшон шаҳрида ҳам бўлиб, ўқувчи-ёшлар билан учрашув ўтказди. Тадбирда республика миқёсида ўтказилган "Замонавий мактаблар" лойиҳасида Зарафшон шаҳридан 1-ўринни эгаллаган ва "ТОП-10" талика кирган мактабларга шаҳар ҳокими-лигининг пул мукофотлари топширилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

«Осиё кубоги — 2023»

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗДАН ЙИРИК ҒАЛАБА

Хабарингиз бор, шу кунларда Қатар яшил майдонларида футбол бўйича навбатдаги 18-Осиё кубоги баҳслари бўлиб ўтаётир. Китъамизнинг 24 та терма жамоаси гоғлиблик учун курашаётган мазкур мусобақада 2-тур учрашувлари давом эттирилмоқда.

Сречко Катанец мурабийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси "В" гуруҳидаги илк беллашувини Сурияга қарши ўтказиб, 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаган эди.

Кеча 2-тур баҳсида футболчиларимиз Ҳиндистон миллий терма жамоасига қарши майдонда саф тортиди. Дастлабки дақиқаларданок ҳужумга отланган вакилларимиз Аббос Файзуллаевнинг тезкор голи туфайли ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Футболчиларимизнинг 1-бўлимдаги катта устунлиги боис Игорь Сергеев ва Шерзод Насруллаев 18 ҳамда 45-дақиқаларда киритган голларидан сўнг таблода 3:0 ҳисоби кўриниш олди.

Мазкур натижа 2-бўлимда ўзгаришсиз қолди ва вакилларимиз йирик ҳисобда зафар кучди. Энди юртдошларимиз 23 январь кун гуруҳ етакчилиги учун Австралия терма жамоаси билан баҳс олиб боради.

Гуруҳимизда Австралия терма жамоаси Ҳиндистон (2:0) ва Сурия (1:0) футболчилари устидан ғалаба қозониб, 6 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Ўзбекистон терма жамоасида ҳозирча 4 очко мавжуд.

«Халқ сўзи».



РЕКЛАМА

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! АКЦИЯДОРЛАРИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА (МАСОФАДАН)

Сизни **2024 йил 9 февраль кунини соат 10:00 да** масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz> орқали бўлиб ўтадиган "Алоқабанк" АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тақлиф этиамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. "Алоқабанк" АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

2. "Алоқабанк" АТБ Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

"Алоқабанк" АТБ Кузатув кенгашининг 2024 йил 16 январдаги йиғилиши қарорига асосан акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2024 йил 17 январь**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2024 йил 5 февраль**.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизмати-дан** (<http://evote.uz>) **фойдаланган ҳолда 2024 йил 9 февраль** соат 10:00 дан бошланиб, 11:00 да тўхтатилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан банкнинг www.aloqabank.uz корпоратив веб-сайти, <http://evote.uz> электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки info@aloqabank.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: 71-232-83-67.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
Телефонлар: **71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойкуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6